

“КЕЛИШИЛГАН”

**Наманган вилояти қурилиш
Бош бошқармаси**



“ ” 2022 й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқарув раиси ўринbosari v.b.**

М.Қ. Раджапов

2022 й

**“Наманган вилояти Чуст туманидаги “Наманган” эркин иқтисодий зонаси
ҳудудига темир йўл қуриш” обьекти бўйича лойиха ҳужжатларини ишлаб
чиқиш учун**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент 2022 йил

Т/р	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси 100060, Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси 7 уй; Тармоқлараро айланма (МФО) коди 00875; Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Миробод филиали x/p 20210000402698916001; СТИР 202 342708; ҚҚС тўловчи рўйхатга олиш коди 326 010 005 344
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 12 август қуни Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига ташрифи давомида шаҳар фаоллари билан учрашув доирасида берилган топшириқлар ва “Ўзметкомбинат” АЖда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 62-сонли Баёни. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2022 йил сентябрдаги -Н сонли буйруғи
3.	Курилиш тури	Янги қурилиш
4.	Молиялаштириш манбалари	Ўзбекистон Республикаси бюджети маблағлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўз маблағлари хисобидан тенг улушларда.
5.	Лойиҳанинг тахминий ҳисоб-китоби	Лойиҳада аниқланади.
6.	Лойиҳа ташкилотининг номи	Танлов асосида.
7.	Пудрат ташкилоти	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий бўлинмалари.
8.	Объектнинг асосий техникикисодий кўрсаткичлари, шу жумладан қуввати, унумдорлиги	Темир йўлнинг тахминий узунлиги 11 км. Темир йўлнинг якуний узунлиги лойиҳада аниқланади.
9.	Махсулотларнинг рақобатбардошлилиги ва экологик параметрлари сифатига қўйиладиган талаблар. Технология, корхона тартибига қўйиладиган талаблар.	Миллий хусусиятларни, амалдаги ташкилот талабларини инобатга олиб, махаллий қурилиш материаллари, курилмалари ва жихозларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган амалдаги қурилиш меъёрий ҳужжатларига риоя қилинсин.
10.	Архитектура – қурилиш, ҳажмий – режалаштириш ва конструктив қарорлар, биноларни безатиш, таркибий ечимларига бўлган талаблар.	Талаб этилмайди.
11.	Кичик меъморий шакллар ва ободонлаштиришга бўлган талаблар	Талаб этилмайди.
12.	Кўтариб ва чегаралаб турувчи	Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ва

	курилмалар материаллари ҳамда конструктив тузилмаларга қўйилган асосий талаблар	амалдаги шаҳарсозлик норматив ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
13.	Муҳандислик ва технологик жиҳозларга қўйилган асосий талаблар, технологик жиҳозларнинг рўйхати	Лойиҳада, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан максимал даражада фойдаланиб, лойиҳалаштирилган объектнинг мақсадга мувофиқ мос келадиган замонавий технологик сертификатга эга ускуналар ва қурилмалар ва ускуналарнинг технологик жараёнларда ишилашини таъминлашни инобатга олиб ишлаб чиқилсин. Ускуналарнинг батафсил рўйхати лойиҳада аниқланади.
14.	Мехнат хавфсизлиги ва санитария-гигиена талаблари	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология нормалари ва қоидалари ҳамда темир йўл транспортида йўловчиларни ташишни ташкил этиш санитария талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
15.	Лойиҳалаш учун буюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки бирламчи маълумотлар рўйхати	Буюртмачи томонидан лойиҳани ишлаб чиқувчининг талабларига мувофиқ лойиҳалашда зарур бўлган бирламчи маълумотларни ва архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ I, II қисмларини) тақдим қиласди.
16.	Атроф-мухитни муҳофаза қилишга қаратилган талаблар	Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, санитария ва ёнгин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш чоралари кўрилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли қарорига мувофиқ “Атроф-мухитга таъсири тўғрисида ариза” лойиҳаси ишлаб чиқиши, ишлаб чиқилган лойиҳанинг атроф-мухитга таъсирини амалга ошириш натижасида атроф-мухитга етказиладиган заарни миқдорий баҳолаш ва таклиф қилинган чора тадбирларни ҳисобга олган ҳолда унинг салбий таъсирини камайтириш, асосий хавф омилларини, табиат ва ўзгариш доираси хавфларини қисқартириш бўйича чоратадбирларни белгиловчи экологик хавфларни баҳолаш; Лойиҳавий ва техник карорларни қабул қилишда экологик ёки юқори турувчи меъёрий қоидаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Қурилиш тугалланиши билан “Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза” ишлаб чиқилсин.
17.	Нархни шакллантириш бўйича талаблар	Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси ШНҚ 4.01.16-09 “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари”га мувофиқ аниқлансин. Смета ҳужжатларининг таркиби: - рўйхат (LOYIХАНИНГ МАЗМУНИ ЛОКАЛ СМЕТА ҲИСБОКИТОБЛАРИ БЎЙИЧА РАҶАМЛАНГАН САХИФАЛАРИ

		<p>билиан);</p> <ul style="list-style-type: none"> - курилиш нархини хисоблаш методологияси тушунтириш хати билан; - йиғма смета нархини хисоблаш (курилишнинг бошланғич қиймати, объектнинг батафсил йиғма ҳисоби, шартнома – шартнома қийматлари); - лойиҳада кўзда тутилган барча объектлар учун ишлаб чиқилган маҳаллий ва ресурс сметалар жадваллари; - машина ва механизмларнинг фойдаланиш ва бошқа ҳаражатлари нархи; - ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш даврида, жорий нархлардаги мураккаб бозор рақобатларига мувофиқ бўлган смета ҳисоблашлари бажарилсин.
18.	Лойиҳалаштиралаётган объектнинг таркиби	<p>Лойиҳада қўйидагилар кўзда тутилсин:</p> <p>Ишчи ҳужжатларининг батафсил таркиби “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли бошқармалар томонидан тақдим қилинган техник шартларга ва ШНҚ 1.03.01-16 “Бино ва иншоотлар, корхоналарни капитал қуриш лойиҳасмета ҳужжатларини тасдиқлаш ва келишиш, ишлаб чиқиш тартибига” мувофиқ аниқлаш.</p>
19.	Энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган лойиҳавий ечимлар	<p>Лойиҳалашда замонавий ва энергия тежайдиган ускуналардан фойдаланиш ҳамда қурилмаларни энергия ўлчаш асбоблари билан жиҳозлашни кўриб чиқилсин.</p>
20.	Фуқаро мухофазаси ва фавқулодда вазиятлар олдини олиш бўйича муҳандислик чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	<p>Лойиҳалашда Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси техник шартларига ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинишини инобатга олинсин.</p>
21.	Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган аҳоли гурухлари ҳаракатланиши учун яратилган шариоитларга қўйилган талаблар	<p>Талаб этилмайди</p>
22.	Лойиҳада ёнгин хавфсизлиги бўлмини ишлаб чиқишга қўйилган талаблар	<p>Ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.</p>
23.	Кўргазма, намойиш материалларига қўйилган талаблар	<p>Объект ва унинг таркибидаги қурилишларнинг кўриниш намойиши кўргазмали материаллар лойиҳалари ишлаб чиқилсин.</p>
24.	Корхона, ташкилотларнинг иш тартиби	<p>Йилига 365 (366) кун, кечаю-кундуз.</p>
25.	Ташқи транспорт алоқалари ва етказиб бериш схемаси	<p>Хом-ашё, материаллар, ускуналарни корхонага олиб кириш ва олиб чиқишни ташкил этиш схемалари кўриб чиқилсин. Транспорт алоқалари</p>

		мавжуд маҳаллий транспорт йўналишлари билан боғлансин.
26.	Курилишнинг белгиланган муддати (йил)	2022 - 2023 йиллар
27.	Муҳандислик қидирув ишларига қўйилган талаблар	Муҳандислик-геодезия ва гидрогеологик тадқиқотлар лойиҳалаш учун зарур бўлган ҳажмда амалга оширилсин.
28.	Курилишнинг алоҳида шартлари	- зилзила жиҳатидан хавфлилиги – 8 балл; - минтақанинг иқлими – II зона; - ер ости сувлари – муҳандислик ва гидрогеологик тадқиқотлар орқали аниқлансин; - Тупроқ шароитлари муҳандислик ва геологик тадқиқотлар орқали аниқлансин
29.	Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари	Буюртмачига тақдим қилишдан олдин, келишилиши лозим бўлган лойиҳа хужжатлари мутасадди вазирликлар, манфаатдор идоралар, тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда келишилган бўлиши талаб қилинади. Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқсан ташкилот лойиҳа хужжатларини мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органларининг экспертиза хулосасини олишда, қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишида, тугалланган қурилиш обьектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялар йиғилишларида иштирок этади.
30.	Қурилиш обьектининг мураккаблик тоифаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда обьектларнинг хавф-хатарлар тоифалари тасниfinи тасдиқлаш тўғрисида”ги 496-сонли қарорига мувофиқ қурилиш обьектининг мураккаблик тоифаси III.
31.	Қўшимча талаблар	“Наманган вилояти Чуст туманидаги “Наманган” эркин иқтисодий зonasи худудига темир йўл қуриш” режасига мувофиқ темир йўл тармоғини 2 та варианти ишлаб чиқилсин. Ишлаб чиқилган лойиҳа тегишли ташкилот ва идоралар билан келишилсин. Лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бозорлари ва нархлари таҳлил қилиб ўрганилсин (ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, уларнинг етказиб бериш нархлари, сифати ва шартлари, шунингдек, лойиҳа эҳтиёжларини қондириш имкониятларини қиёсий таҳлил қилишни назарда тутган ҳолда). Камида 3 та ташкилотнинг тижорат таклифлари (прайс-вараклар ва бошқалар) асосида харид

		қилинаётган ускуналар нархини асослантириш. Лойиха-смета ҳужжатлари 4 нусхада, лойихалар ва сметалар ҳамда қурилмалар рўйхати электрон шаклда тақдим қилинсин. Қўшимча лойиха-смета ҳужжатлари нусхалари шартнома орқали тақдим қилиниши хисобга олинсин. Ишлар яқунланганлиги тўғрисидаги далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилиб бюортмачига тақдим қилинсин.
32.	Лойихани ишлаб чиқиш муддати	2 ой
33.	Қурилишни ташкил этиш лойихасини ишлаб чиқиш	ШНҚ 1.03.01-16 “Бино ва иншоотлар, корхоналарни капитал қуриш лойиха-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва келишиш, ишлаб чиқиш тартибиға” мувофиқ қурилишни ташкил этиш лойихасини ишлаб чиқиш.
34.	Ишчи лойиханинг тасдиқланадиган қисмининг таркиби	Лойиха таркибида қўйидагилар ишлаб чиқилсин: <ul style="list-style-type: none"> - Умумий тушунтириш хати; - Меъморий-қурилиш ечимлари; - Техник, технологик ечимлар; - Қурилиш қиймати; - Энергия самарадорлиги. - Қурилиш лойихасини ташкил этиш (ПОС).

Изоҳ – *лойихани амалга оширишнинг меъёрий муддати лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш даврида аниқлади.

Буюртмачи:

**Капитал қурилиш дирекцияси
Бош муҳандис ўринбосари**

У.М. Тоштемиров